

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИДА ОТА ВА БОЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Икрамова Шахноза Бахтиёровна

РТАТМ бош мутахассиси

Аннотация: Ўзбекистон республикасида ҳозирги кунда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, тарихий ва маънавий ўзгаришлар жамиятимиз ижтимоий ҳаётида туб бурилишни бошлаб берди ва улар ўзбек халқининг бундан кейинги тақдирини белгилаб беришида муҳим роль ўйнайди.

Эркин демократик жамият қуриши йўлидан илдам бораётган мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Оила тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Бу эса ўз навбатида маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлиги, ислохатлар муваффақияти учун тегишли замин яратади. Ҳозирги кунда фуқаролар, айниқса ёшларнинг онги ва дунёқараши қай даражада шаклланишига бефарқ қараб бўлмайди. Келажакда баркамол, билимдон ва ишбилармон жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган, онгли ва фаол, Ватан олдидаги бурчига садоқатли, эркин шахсни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз. Эркин шахс мутаассибликдан озод ҳолда ақл-идроки, куч-гайратига таяниб, виждонан, ҳалол меҳнати билан фаровон турмушга интиладиган бўлиши даркор. Эркинлаштириши жамиятни маънавий янгилаш биринчи навбатда ёш авлод онгига маънавий ахлоқий анъаналар, инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириши орқали таъминланади. Мақолада оилавий муносабатларда ота-она ва бола муносабатлари масаласи, бу муносабатларнинг харбий хизматчилар оиласида ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: оила, ота-она, бола, ўзаро муносабат, хусусият, миллий, феномен, шахс, қадрият.

Аннотация: Политические, экономические, исторические и духовные изменения, происходящие в Республике Узбекистан, положили начало коренным изменениям в социальной жизни нашего общества и играют важную роль в определении дальнейшей судьбы узбекского народа. В нашей стране, идущей по пути построения свободного демократического общества, укреплению семьи уделяется особое внимание. Только если семья будет мирной, крепкой и

благополучной, в обществе установится стабильность. Это, в свою очередь, создает здоровую духовную и духовную среду, создает соответствующую основу для успеха реформ. Сегодня нельзя быть безразличным к тому, насколько сформировано сознание и мировоззрение граждан, особенно молодежи. Долг каждого из нас – воспитать сознательного и активного человека, преданного своему долгу перед Родиной и который будет способствовать развитию компетентного, знающего и бизнес-ориентированного общества в будущем. Свободный человек должен быть свободен от фанатизма, полагаться на свой ум и энергию и стремиться к благополучному браку добросовестным и честным трудом. Либерализация и духовное обновление общества обеспечивается, прежде всего, путем внедрения в сознание подрастающего поколения духовно-нравственных традиций, гуманизма и демократических ценностей. В статье раскрывается проблема детско-родительских отношений в семейных отношениях, специфика этих отношений в семье военнослужащих.

Ключевые слова: семья, родитель, ребенок, взаимодействие, особенность, национальный, явление, личность, ценность.

Annotation: *The political, economic, historical and spiritual changes taking place in the Republic of Uzbekistan have marked the beginning of fundamental changes in the social life of our society and play an important role in determining the future fate of the Uzbek people. In our country, which is moving towards building a free democratic society, special attention is paid to strengthening the family. Only if the family is peaceful, strong and prosperous will stability be established in society. This, in turn, creates a healthy spiritual and spiritual environment, creating an appropriate basis for the success of reforms. Today one cannot be indifferent to the extent to which the consciousness and worldview of citizens, especially young people, have been formed. It is the duty of each of us to raise a conscious and active person, dedicated to his duty to the Motherland and who will contribute to the development of a competent, knowledgeable and business-oriented society in the future. A free person should be free from fanaticism, rely on his own intelligence and energy, and strive for a prosperous marriage through conscientious and honest work. Liberalization and spiritual renewal of society is ensured, first of all, by introducing spiritual and moral traditions, humanism and democratic values into the consciousness of the younger generation. The article deals with the problem of parent-child relations and the features of these relations in the family of military personnel.*

Key words: family, parent, child, interaction, feature, national, phenomenon, personality, value.

Оила ижтимоий инсититут сифатида, инсониятнинг онгли ҳаёти билан қадам бақадам мавжуд, ҳамда жуда кўхна қадимий тарихга эга бўлсада, бироқ уни шакллантириш, ривожлантириш, бирлаштириш, жипслаштириш, оила аъзоларининг ягона мақсад сари сафарбар этишининг, танҳо ташхиси ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Ўзбек миллий характерида оиланинг буюк қадрият эканлигини эътиборга олган ҳолда, унинг мустаҳкамлиги ва софлигини сақлаб қолиш, барчамизнинг бурчимиз эканлигини англаш жуда муҳимдир. Оила феномени дунёдаги энг умрбоқий қадриятлардан бири ҳисобланади. Оила инсониятнинг ибтидоий ҳаётдан маданийлашган, цивилизациялашган турлари ва ҳаётга ўтишини таъминланган энг муҳим омиллардан бири. Оила ўзига хос ижтимоий инсититут сифатида жуда узоқ тарихий даврни босиб такомиллашди, ижтимоий аҳамияти ҳамда вазифалари ортиб боради. Оила доимо ривожланиб боровчи, такомиллашувчи, янги мазмун, моҳият билан бойиб боровчи маскан. Дунёда бирорта инсон ўзини оиласиз тасаввур эта олмайди. Шунинг учун ҳам оила феноменига қизиқиш катта. Оилавий ҳамда авлодлараро муносабатлар масалаларини ўрганиш борасида илмий тадқиқот ишлари сўнгги йиллар мобайнида бутун дунё миқёсида жадал тус олиб бормоқда. Жумладан, чет эл психолог ва социолог олимлари, Францияда А.Вилли, Э.Дюркгейм, П.Жане, Германияда Т.Шрайбер Америкада К.Бюлер, В.Мэтьюза, Дж.Брунер, С.Холл, У.Джеймс, Д.Чейни, Швейцарияда Э.Клапаред ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий хизматчилар оиласини сақлаб қолиш унинг софлигини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- оила ва жамият манфаатларида уйғунликка эришиш жуда зарурдир.
- сўнгги пайтларда ғарб дунёси оиласидаги инқирозли ҳолатларнинг айримлари бизнинг ҳаётимизга ҳам кириб келаётганлигини сезмаслигимиз мумкин эмас. Бундан 15-20 йил аввал қариялар уйи фарзанднинг ўз ота-онасини шундай уйларга ташлаб кетишини тасаввур этиш ҳам қийин эди.
- оиланинг мустаҳкамлиги унинг маънавий баркамоллиги соғлом эҳтиёжларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқдир. Соғлом эҳтиёж оилани доимо ҳаракатга солиб туради, уни “туртиб” туради, уюштиради, жипслаштиради.
- оиладаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий барқарорлик ота-онанинг ушбу муқаддас масканда тутган ўрни ҳамда ролига боғлиқдир.
- оиланинг мустаҳкамлиги оилавий муносабатлар маданиятининг даражасига боғлиқдир. Маълумки оилавий муносабатлар жамият ва миллат ижтимоий муносабатларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Оилавий муносабатлар айниқса ота-она ва фарзандлар ўзаро алоқалари, жамият юзага келган илк даврлардан буён энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келган. Жамият ривожланиб борган сари бу муаммонинг аҳамияти янада ортиб

бораверади. Чунки инсоният томонидан эришилган ютуқлар айнан оила муҳитида ота-она ва фарзандлар муносабатлари тизимида бошқа ҳар қандай ижтимоий институтлар орасидаги узвийлик сифатида олиб қаралганда кўпроқ даражада ўзлаштиради ва анъана маънавий мерос тарзида авлоддан авлодга ўтади. Шундай экан, у ёки бу жамият халқ ва миллатнинг истиқболи кўп жиҳатдан шу муносабатларнинг ҳолатига боғлиқ.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчилар оиласида ота-она ва бола муносабатларини ўрганиш, уларда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчилар оиласида болалар ва ота оналар муносабати эр-хотинлик муносабатлари билан бир қаторда замонавий нуклеар оилаларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар ички оилавий муносабат тизимининг барча таркибий қисмида ихтиёрийликка эга бўлиб, у боланинг ижтимоийлашувини таъминловчи катта аҳамиятга эга бўлган шартлардан биридир.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, ҳарбий хизматчилар оиласида болалар ва ота-оналар муносабати, ота-оналик муносабати ва ота-оналик установакалари каби бир-бири билан боғлиқ, лекин шу билан бирга бир-бирини тўлдирувчи ҳамда кўпинча синоним тарзида қўлланиладиган тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Дарҳақиқат оила–ҳар бир шахснинг илк ёшлигидан бошлаб шаклланувчи инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар, минг йиллар давомида таркиб топувчи ўзбек халқининг маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Акрамова Ф.А. “Оилада муомалани ташкил этиш психологияси” Т.: “Шамс АСА” 2006.
2. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси Т.: 2006
3. Ключева Н.В. Психолог и семья: Диагностика, консультации, тренинг. - Ярославль: Академия развития, 2001.
4. Крыгина Н.Н. Диагностика супружеских и детско-родительских отношений. Учебное пособие. - Магнитогорск, 1999.
5. Махмудова Д.А. Психологические особенности внутрисемейных отношений у жертв торговли людьми//Педагогик маҳорат. – Т.: 2023. №3. – С.11-14. (19.00.00. №11) ISSN 2181-6883.
6. Теория семейных систем Мюррея Боуэна: Основные понятия, методы, и клиническая практика. 2-е изд. стереотип. - М.: «Когнито-Центр», 2008.